

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ**  
**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНЕРТВАТОРИЯСИ**  
Эстрада ижрочилиги кафедраси

**ДЖАПАРОВА ЮЛДУЗ БЕРКИН ҚИЗИ**

**“КОМПОЗИТОР ВА ИЖРОЧИ ДЕЙВ БРУБЕКНИНГ  
ТАКРОРЛАНМАС ИНДИВИДУАЛЛИГИ”**

5150700 – Эстрада санъати (эстрада ижрочилиги) йўналиши

Бакалавр даражасини олиш учун ёзилган

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ**

Илмий-ижодий раҳбар:  
Катта ўқитувчи Р. Р. Атабекова

**Тошкент 2018**

## Мундарижа

|                |                                                                                |           |
|----------------|--------------------------------------------------------------------------------|-----------|
|                | <b>КИРИШ</b>                                                                   | <b>3</b>  |
| <b>I БОБ.</b>  | <b>КОМПОЗИТОР ВА ИЖРОЧИ ДЕЙВ БРУБЕКНИНГ<br/>ТАКРОРЛАНМАС ИНДИВИДУАЛЛИГИ</b>    | <b>8</b>  |
| <b>1.1.</b>    | <b>Жаз санъати тарихи хусусида</b>                                             | <b>8</b>  |
| <b>1.2.</b>    | <b>Дейв Брубекнинг ҳаёти ва ижоди</b>                                          | <b>18</b> |
| <b>1.3</b>     | <b>Дейв Брубек ижодида жаз жанрининг ахамияти</b>                              | <b>27</b> |
| <b>II БОБ.</b> | <b>ИЖРО ДАСТУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА<br/>ТАНЛАНГАН АСАРЛАРНИНГ ТАВСИФИ</b>        | <b>35</b> |
| <b>2.1.</b>    | <b>Дейв Брубекнинг “Bossa Nova U.S.A.” асари таҳлили<br/>ва нота мисоллари</b> | <b>35</b> |
| <b>2.2.</b>    | <b>В.Сапаровнинг 13-прелюдияси таҳлили ва нота<br/>мисоллари</b>               | <b>36</b> |
|                | <b>ХУЛОСА</b>                                                                  | <b>37</b> |
|                | <b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ</b>                                        | <b>39</b> |

## КИРИШ

**Тадқиқот мавзусининг долзарблиги.** Ўзбекистон Республикаси ўз мустакиллигини қўлга киритгач, таълим жараёнини, жумладан кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш, бу борада янги йўللарни белгилаш ва рўёбга чиқариш, барча жабҳаларда уни амалга ошириш, жумладан, мусиқа санъати борасида ҳам қатор масалаларни ечиш долзарб бўлиб қолди. Айниқса, бу ислохотларнинг натижалари бевосита таълим тизимида тайёрланаётган мутахассис кадрларнинг салоҳиятига боғлиқ.

Шу боис, мустакилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб сифатли кадрлар тайёрлашга асосланган ва жаҳондаги илғор давлатлар таълими тараққиёти тажрибаларига таянган ҳолда, кадрлар тайёрлаш тизимини яратиш бугунги куннинг асосий вазифаларидан бирига айланди Ўзбекистон Республикасининг 1997 йилда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури” миллий таълим тараққиёти ва миллий кадрлар тайёрлаш тизими истиқболларини белгиловчи ҳужжат сифатида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009–2014 йилларга мўлжалланган давлат дастурини тайёрлаш чоратadbирлари тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг Фармойиши мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий олами ва маданий савиясини юксалтириш, ёшларимизнинг миллий, эстрада ва жаҳон мусиқа маданиятнинг юксак намуналари асосида мусиқий таълимни янада ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича амалга ошириладиган вазифаларни белгилаб берди.<sup>1</sup>

Ёш санъаткорларни жаҳон мусиқа майдонлари, халқаро ва Республика танловлар, фестиваллар, илмий - амалий анжуман ва концертларда иштирок этишлари бу борада ҳар томонлама етук, рақобатдош мутахассис кадрларни етиштиришга қаратилган.

---

<sup>1</sup> И.А.Каримов “Юксак маънавият - енгилмас куч” Т.: Маънавият - 2008

Эстрада санъатининг ўз ичида турли муסיқий жанрларнинг табиатига яқинлиги, қолаверса муסיқа оламида ўзгача кўринишга эга бўлиши, унинг сахнавий хаётини давомийлигини кўрсатади. Айнан ўзбек миллий эстрада асарларидан хусусан, миллий эстрада симфоник оркестри учун ёзган юзлаб куй-кўшиқлар таниқли созандалар репертуарида муносиб ўрин эгаллаган. Мазкур жанр нафақат республикамизда балки ғарб муסיқа адабиётида бугунги кунда ҳам атрофлича ўрганилмоқда. Қолаверса жаз жанрининг ўзи муסיқий хаётимизда дадил фаоллигини кўрсатишига қарамай, ХХІ аср муסיқа ижодиётида деярли ёритилмаган ва тадқиқ қилинмаган жихатлари мавжуд. Бу эса ўз навбатда биз танглаган мавзунинг долзарблигини белгилаб беради. Эстрада жанри сахнавий асарлар ва эстрада симфоник оркестри учун, камер чолғулар учун яратилган асарлар орасида кенг оммалашган, яъни, кўп сонли мухлисларни кўрган жанр бўлиб, ўзининг шаклланиш ва ривожланиш босқичларида кўплаб ўзгариш жараёнларини бошидан ўтказди ва бугунги кунга қадар ўрни ва мавқеини сақлаб қолишга муваффақ бўлди. Қолаверса айнан эстрада ижрочилиги санъати мавқеи ХХ аср иккинчи ярми жаз муסיқа жанрларини ривож кесимида бир мунча ўсиб, ниҳоят юқори чўққиларга кўтарилди.

Академик муסיқа ва жаз муסיқаси ўртасидаги мутаносиблик турли даврларда ҳилма-ҳил мувозанатда бўлиб, ҳамиша ўзгариб борган. Айрим композиторлар ижодида академик чолғу муסיқаси етакчи ўрин эгаллаб келса, айрим композиторлар ижодида эса эстрада жанри етакчи ўринда туради. Мазкур жанрнинг шаклланишидан бошлаб то ривожланишига қадар пайдо бўлган жанр серқатламлиги, ўз ичида мураккаб жараёнлари кечиши билан тавсифланиб бу борада тадқиқотчилар диққат марказини ўзига жалб этди. Хусусан, турли давр тадқиқотчилари : С. Клитин, Дж. Коллиер, У. Сарджент, Е. Воробьева, С. Гилевлар эстрада ва эстрада жаз жанрига ўз ижодларида мурожаат қилганлар<sup>2</sup>.

---

<sup>2</sup> Лола Абидова “История джаза” – Т.: “Ўқувчи”- 2007

**Битирув малакавий иши мақсади.** Жаз жанрининг ўзига хос жиҳатларини ёритиш, шунингдек жаз услубининг хусусиятларини ўрганишдан иборатдир.

Битирув малакавий ишимизнинг асосий вазифаси қаторига қуйидагилар киради:

- жаз жанри ва эстрада ижрочилик(фортепиано)даги ижро услубларини таҳлил этиш;
- моҳир ижрочиларнинг ижро услубларини ўрганиш;
- Жаҳон композиторларининг жаз асарларини шакл ва талқин масаласига доир фикрлар.

Иш кириш, икки боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

#### **Битирув малакавий иши вазифалари:**

Санъат соҳасида, жумладан бўлажак эстрада чолғу ижрочилари учун амалий ижрочилик салоҳиятларини ошириш билан бир қаторда ўз соҳасининг ҳар томонлама ўрганиш, унинг илмий-назарий асосларини тадқиқ этишга қодир бўлишлари алоҳида аҳамият касб этади. Бизнинг битирув малакавий ишимиз марказида жаз ижрочилиги амалиётида юзага келадиган муаммолар ечими, хусусан битирув ижро дастуридан ўрин олган асарлар ва композиторларнинг ҳаёти ва ижоди, асарларида ижро услуби масаласи таҳлиллари ёритиб берилган.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси:** Жаз мусиқаси масалалари турли илмий ишлар мавзуси сифатида тадқиқ этилган. Аммо айнан фортепиано чолғусида жаз жанри Битирув малакавий иш мавзуси сифатида илк бор ўрганиб чиқилди. Мазкур жанр жаҳон мусиқа санъатида, тадқиқ қилиш ва ёндашув усули ҳам бу борада янгича бўлиб, жаз санъатининг табиати, жанрни тизимлаштириш тамойилига асосланади.

### **Битирув малакавий ишнинг илмий янгилиги:**

Битирув малакавий иш доирасида жаз санъати тарихи ўрганиб чиқилди. Чолғу ижрочилик санъатида жаз ижрочилик услуби йўналишида муҳим бўлган қирралари ўрганилди.

**Тадқиқот объекти.** Мусиқа санъатида жаз санъати (аудио материаллар намунасида) ва педагогик услубиёти.

Санъат соҳасида, жумладан бўлажак жаз ижрочилик учун амалий салоҳиятларини ошириш билан бир қаторда ўз соҳасининг ҳар томонлама ўрганиш, унинг илмий-назарий асосларини тадқиқ этишга қодир бўлишлари алоҳида аҳамият касб этади.

**Тадқиқот материали** ўрнида композитор томонидан яратилган эстрада-жаз жанрига хос бўлган асарлар танлаб олинган. Мазкур асарлар юртимизнинг етакчи ижрочиларининг репертуарида ўрин олиши ва Ўзбекистон давлат консерваторияси саҳналарида кўп ижро этилишига қарамай мазкур асарлар бағишланган таҳлиллар фақат лавҳали кузатувлар билан чегараланганлигини таъкидлаш жоиз.

**Тадқиқот мақсади:** Дейв Брубек ижодида жанрнинг ўзга хос талқинини аниқлаш, шунингдек жаз услубининг ўзига хослигини очиб беришдан иборатдир.

Битирув малакавий ишимизнинг асосий вазифаси қаторига қуйидагилар кирди:

- Эстрада жанрининг моҳияти ва жанр тамойилини аниқлаш;
- Тарихий ривожланиш босқичларини таърифлаб бериш;
- Дейв Брубек ижодий бисотида эстрада жанрининг ўрни ва аҳамиятини ёритиш;
- Композитор асарларини шакл ва талқин масаласига доир тадқиқ қилиш белгиланган.

Иш кириш, икки боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

**Битирув малакавий ишнинг илмий аҳамияти:** Битирув малакавий иши жаз ижрочилик йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабалар учун “Ихтисослик”, “Импровизация”, “Шоу-бизнес асослари” фанларини ўзлаштиришда, шу билан бирга жаз мусикаси бўйича тадқиқот ишларида қўлланма сифатида фойдаланилиши мумкин.

Жаз жанри турлари, жанр моҳиятига оид фикрлар баён этилиб, мавзунинг долзарблиги, илмий-назарий янгилиги, ва амалий аҳамияти асослаб берилади. Шу билан бирга, илмий адабиётларда ушбу масалани ўрганилмаганлиги, тадқиқотнинг асосий мақсад ва вазифалари, тадқиқот учун объект қилиб танланган асар, ишнинг илмий-амалий янгилиги, моҳияти белгиланади.

Ушбу бакалавр даражасини олишг учун ёзилган **битирув малакавий иши:**

**Биринчи боб**, биринчи бандида композитор ҳаёти ва ижоди, жаз жанри ва жанр тарихи олиниб, унинг шаклланиши ва кўринишига оид фикрлар ўрин олган.

**Иккинчи боб** ўз навбатида икки фаслга бўлиниб, танланган ижро дастури тавсифи ва ижрочилик талқини масалаларига бағишланган.

Хулоса қисмида малакавий ишда олиб борилган изланишлар юзасида умумий натижалар чиқарилади.

# **I БОБ**

## **КОМПОЗИТОР ВА ИЖРОЧИ ДЕЙВ БРУБЕКНИНГ**

### **ТАКРОРЛАНМАС ИНДИВИДУАЛЛИГИ**

#### **1.1. Жаз санъати тарихи ҳусусида**

Эстрада муסיқа санъатида муҳим аҳамият касб этган жаз санъати барча ёшдаги тингловчиларни эшитишга, ҳатто рақс тушишга мажбур этди. Аслида Африка ҳабашлари анъаналари билан боғлиқлиги XVII асрдан бошлаб "Янги оламга" кириб келган ва Европаник кўчманчилар маданиятига ўз таъсирини кўрсатган.

Асосан, Американинг жанубий ҳудудларига куллар бадихағўй шаклдаги айтимларни ижро этганлар. Кечалари эса ибодатга тўпланган садоларни (псалма), шунингдек, спиричуелларни куйлаганлар. Булардан спиричуелла илк афро-америка муסיкий ифодавий шаклларида бирига айланди.

Айтиш мумкинки, XIX аср охири XX аср бошларида Европа ва Африка муסיкий маданиятларининг қоришуви натижасида АКҚШнинг жанубий штатларида профессионал муסיқа саъатининг янги тури юзага келди.

Уларнинг вокал ижросидаги муסיкий пардалар сифати турлича бўлиб, айримларини замонавий нота ёзуви орқали муҳрлаш мушкулдир. Бу халқнинг вокал ижрочилиги ва ўзига хос садоланиши ҳақида гапирганимизда, яна бир муҳим жиҳатни алоҳида айтиб ўтиш зарур. Бу овоз кучидир.

Европа вокал ижрочилиги нуқтаи назаридан бундай кучли овоз ғайритабиий кўринади. Лекин кўплаб тадқиқотчилар бу масала ҳусусида сўз юритганида, ҳабашларнинг қадимий анъаналаридан бири бўлган икки қишлоқ орасидаги қушиқчиларнинг айтишувларини мисол тарзида келтиришади.

Спиричуелла ва госпел каби жанрлар афроамерика халқининг анъанавий айтим ижро йўлларида катта таъсир кўрсатган.

Бу жанрларда ифодавий ижро воситаларининг анъанавий европа вокал техникасига нисбатан кенгайганлиги кузатилади. Жаз муסיқасининг шаклланиши ва ривожига бу турдаги муסיқанинг айтим жанрлари кам; таъсир кўрсатган. Бу ҳолат жаз муסיқаси шаклланишининг илк даврида фаолият юритган жаз созандалари ижросидаги асарларда ҳабаш айтим йўлларига, вокал ижрочилари эса ўз бадиҳаларида чолгу ижро услубларига тақлид этганликлари кузатилади.

Одатда, ушбу услуб жаз асарининг ўрта қисмида ижро этилиб, созанда ижросига хонанда тақлид қилади. Ҳозирги кунда ойнаи жаҳон орқали намоиш этилаётган жаз концерт дастурларида бу анъана сақланиб қолинган.

Жаз тамойилларига асосланган жанр масаласи билан шуғулланган муаллифлар ва уларнинг тадқиқотларида акс эттирилган барча кузатувлар биз учун шундай хулоса чиқаришга асос беради:

- жаз тамойилларига таянган эстрада жанри XX асрда бошқа жанрлар каби ўхшаш жараёнларни бошидан кечирди;
- классицизм қонун-қоидалар ўз кучини йўқотган бир вақтда услубан хилма-хиллик, ранг-баранглик, маълум аниқ турғунлик бўлмаган бир даврда XX аср муסיқа санъатида жаз жанри тузилиши ва шакл кўриниш йўлларини топиб келди.
- жанр-тур сифатида ўзининг типологик урғунлигини йўқотиб, кўп ҳажмли ҳодисага айланиб, ўзидан янги ва янги туркумларниш талқин қилиш намуналарини кашф этилишини кўриш мумкин.

XX аср муסיқасида жанр муҳим аҳамият касб этади, яъни, жанр табақалигидан воз кечиш, "катта" ва "кичик" жанрлар орасидги тафовутни синиши, оммавий ва касбий муסיқа орасидаги чегаралар ўчириб юборилиши, турли лексик тизимларни бирикмали кўринишлари хосдир.

Эстрада-жаз жанрининг ривожланиш босқичлари даврлар оша ривожланиб, кенгайиб боради. Ҳозирги кун жаз муסיқаси ижодиётида талқин масаласи шак

- шубҳасиз санъатшунослар қизиқишини уйғотиб келади. Бу борада илмий тадқиқотлар, жумладан, ёзилиши эътиборга моликдир. Бироқ, уларнинг асосан “муаллифлик” йўналиши жаз тамойилларига асосланганлиги, жаз жанрининг XX асрдаги умумий тавсифини беришга ожизлик қилишини таъкидлаш жоиз.

Бугунги кунга қадар мавжуд жаз жанрининг таснифоти, унинг турдош жанрлар бўйича аниқ хусусиятлари деярли барчаси аниқланган. Бу каби масалалар жанр ўрганишда бирламчи ва асосийлар қаторида туради.

Эстрада-жаз жанрининг ривожланиш босқичлари, услубларнинг хилма-хиллигини ўрганиш бу жанрнинг тарихини атрофлича ўрганиб чиқишимизга замин яратади.

XIX асрнинг охирларида (таҳминан, 1880 – 1900 йиллар) Янги Орлеаннинг бош майдони – Конго Скверда «спазм-бэндлар» деб номланувчи ноодатий оркестрлар иштирокида ибодат маросимларини кузатиш мумкин бўлган. Ушбу оркестрлар Ғарбий Ҳиндистон ороллариининг кўпгина мусикий анъаналарини сақлаб қолган. Ритм-секция мазкур оркестрларнинг маркази бўлиб, бир нечта зарбли чолғулар, асосан, турли тузилиш ва ҳажмдаги барабанлардан ташкил топган ҳамда ижрода Африка барабан мусиқасининг унсурлари яққол сезилиб турган.

Катта барабан чолғуси асосий ҳиссани кўрсатишда кўмаклашган. Кичик барабан эса Кубадан «спазм-бэнд»га кириб келган чача ёки гиро каби экзотик чолғулар қатори кучсиз ҳиссани кўрсатишда хизмат қилган. Спазм-бэндларда етакчилик вазифасини бажарувчи ритм гуруҳлари келиб чиқиши Африкага бориб тақалувчи мелодик чолғулар (санза, маримба, банджо, чийилдоқ сибизга) билан тўлдирилган. Юқорида айтиб ўтилган оркестрлар, шубҳасиз, илк жаз оркестрларининг намуналари бўлган. Уларнинг мусиқаси Янги Орлеаннинг Конго-сквери, шунингдек, Миссисипи водийси ва бошқа кўплаб жанубий

худудларда янграб, “ювилувчи доскалар оркестри” (wash board bands) номини олган. Ушбу оркестр энг оддий – консерва банкаларидан тортиб, ювиладиган доскаларгача бўлган сунъий чолғуларни ўз ичига олган. Уларда Америкадан Африкага олиб келинган Ғарбий Хиндистонга хос бўлган чолғулар (vaccines ёки kazoo) ни эшитиш мумкин. Архаик даврдаги жаз олди оркестрларда келиб чиқиши Африкадан бўлган, шу билан бир қаторда Европа чолғуларига ўхшатиб ясалган турли содда чолғулардан ҳам фойдаланилган.

Провинциал «кантри-бэнд»лар кетидан «маршинг-бэнд» ва «стрит-бэнд» номларини олган шаҳарлик дамли оркестр шакллари ҳам пайдо бўлди. Одатда, ушбу оркестрлар маълум бир майдонларда эмас, балки турли маросим ва тантаналарда чалиб, ижро вақтида шаҳар кўчаларида маршона ҳаракатлар билан кезишарди. Айнан шу оркестрлар жаз мусиқасида илк архаик шаклнинг вакиллари бўлган.

Шаҳар муҳитида вилоят дамли оркестрига хос бўлган айрим қаттиққўллик аломатлари бироз юмшатилади, бироқ маршинг-бэнд ва стрит-бэнд ижросидаги кантри-бэнднинг асосий интерпретация хусусиятлари сақланиб қолинди. Бу хусусиятларнинг барчаси Янги Орлеан жаз оркестрлари томонидан қабул қилинди, лекин эндиликда чолғулар таркиби анчайин хилма-хил кўринишда намоён бўлди. Янги Орлеандаги оддий дамли оркестр вакиллари жазга умуман ўзгача қиёфа бағишлашди.

Улар ҳарбий оркестрнинг икки ҳиссали маршини тўрт ҳиссалига алмаштиришди, тактдаги кучсиз ҳиссаларга (иккинчи ва тўртинчи) урғу беришди. Ушбу усул кейинчалик свинг (инглизчадан. To swing) номини олди ва тўрт ҳиссали метрда суръатни ўзгартирмаган ҳолда ноодатий ритмик кўринишни шакллантирди. Ушбу специфик ритмик кўриниш жаз амалиётидаги асосий унсурлардан биридир.

«Илк Янги Орлеан жази» атамаси жаз тарихида ўтган асрнинг биринчи ўн йиллигидан 1920-йиллар ўртасига қадар бўлган даврни ўз ичига қамраб олади. Афроамерика фольклори ва жаз йўли Янги Орлеандаги қизил фонарлар тумани бўлмиш Сторивилланинг пайдо бўлишидан бошлаб ажралди. Кўнгилочар Сторивилла ҳудудида ишловчи профессионал муסיқачиларнинг сони ортгани сайин аста-секинлик билан марш ва кўчадаги дамли оркестрларнинг сони камайиб борди. Уларнинг ўрнига сторивилла ансамбллари пайдо бўлиб, дамли чолғу оркестрларига нисбатан муסיқаси анчайин ўзига хослиги билан ажралиб турган. «Комбо-оркестрлар» деб номланувчи ушбу таркиблар Янги Орлеан жазидаги классик услубнинг асосига айланди. 1910-йилдан 1917-йилларгача Сторивилла тунги клубларида жаз муסיқаси ижро этилган.

1920-йиллардаги жаз муסיқасининг барчасини ҳам Янги-Орлеан жази ёки Диксиленд-жаз деб бўлмайди. XX асрнинг биринчи ўн йиллигидан бошлаб рақс оркестрлари ва мохир яккахонлар таъсирида бойитилган жаз тез ривожланиб, импровизацион муסיқа даражасигача ўсиб борди.

Шунингдек, илк Янги Орлеан жаз даври билан боғлаган ҳолда «Олимпия Бэнд» номли креоль оркестрини ҳам эслатиб ўтиш жоиз. У ерда кларнетист Альфонс Пик, корнетист Фредди Кеппард ва Оскар Селестин, кейиналик эса Жо «Кинг» Оливер (корнет) ҳамда Сидней Беше (кларнет)ларни учратиш мумкин. Ушбу оркестр ўз даврида машҳурлиги бўйича Болденнинг «Рэгтайм Бэнд»и билан муносиб равишда рақобат қила олган ҳамда Янги Орлеан жаз услубининг кейинги ривожига ўз ҳиссасини қўшган.

Ушбу услубнинг ўзига хослиги – жамоа томонидан катта усталик билан бир мавзунини параллел равишда бир вақтда турли ижрочилар томонидан импровизациялашиши эди.

Муסיқачиларнинг бадиҳагўйлик анъаналарига асосланган пассажлари бир вақтда янграрди, бироқ уларга тасодифий хос эмас. Ижро вақтида муסיқачилар оркестр томонидан ишланган маълум бир ижро услубларига қатъий амал қилишарди.

Импровизация қилиш пайтида муסיқачилар диққат билан шеригининг ижросини эшитиб, кузатиб борар, мелодик ва гармоник куй йўлидаги берилган импровизацион тузилмадан четга чиқишмас эди. Бундай ёндашувда жамоани ҳис этиш ва муסיқий рефлекснинг тезкорлиги катта аҳамиятга эга бўлган. Импровизациянинг ўзи кўпинча «хот» (ингл. иссиқ, қайноқ) деб номланган, импровизаторнинг қайноқ муסיқасидаги алоҳида ифодавийликни қайд этган.

Янги Орлеан жаз услубининг ривожланиши натижасида оркестрнинг чолғу таркиби ҳам ўзгарди. Архаик чолғу шакллари бўлмиш ритмик чолғулардан ташқари турли мелодик чолғулар ҳам қўлланила бошланди.

Ритм гуруҳларидаги асосий янгиликлардан бири – туба чолғусининг контрабас чолғуси билан алмашинуви ва зарбли чолғуларнинг ўрнатилиши бўлди. Бу эса биргина барабан муסיқачисидан турли архаик жаз усулларини ижро эта олиш вазифасини талаб қилган. Ҳаттоки, моҳир барабанчининг ҳам бундай вазиятда барча ритмик қўшилишларнинг нозик нюансларини ижро этиш имкониятлари чекланган. Шу билан бирга қадимий африканча ритм-муסיқа – усул билан хамоханг жўрнавозга айланиб қолди. Натижада, ундаги полиметрия, полиритмия бир ижрочи томонидан ижро қилинувчи жўрнавозга айланиб, соддалашди ва ижрочилик услуби фақатгина «бит-офф-бит» контрастига таянди.

Жаҳон муסיқаси тарихида янги оқим сифатида пайдо бўлиб, ўзига хосликда шаклланган жаз услубидаги муסיқа ҳам ўз тарихига эга ва унда айнан фортепиано

чолғуси учун муסיқа намуналарининг эволюциясини, яъни ривожланиш поғоналарини кузатиш мумкин.

Жаз – бу ноёб санъат тури ва жанридан бири булиб, XIX-XX асрлар мобайнида АКШда, Африка ва Европа муסיқа маданиятларининг ўзаро синтези натижасида юзага келган "енгил" муסיқа қатламларидан биридир. Жаз муסיқий тилининг ўзига хос қирралари - бу импровизация (бадиха), синкопаланган ритмика ва ритмик фактура ижроси, куй йўналиши бадихалашган услуб ва усулларининг ажойиб мажмуаси - жаздир

Жаз бу албатта Биг-бенднинг жорий бўлган мумтоз жаз негрча фолклор: сперичуэл, госпел, блюз, соул, оқ қишлоқ ва шаҳар фолклори: кантри, жига, рэгтайм, буги-вугининг уйғунлашуви асосида юзага келган. Жаз негизини африкалик қулларнинг Америка минтақаси олиб келинган.

Аста-секин нафақат Африка халқлари орасида, балки Американинг оқ танли аҳолиси (испан, инглиз, француз ва ҳ.к.) ўртасида ҳам маданиятлар аралашуви юз берди. Бу аралашув афроамерикача маданиятнинг, хусусан муסיқа маданиятнинг пайдо бўлишига олиб келди. Африка ва Европа муסיқа маданиятларининг аралашув жараёни "протожаз"нинг, кейинчалик эса умумий тушунчадаги жазнинг пайдо бўлишига олиб келди. Муסיқий ижрочиликнинг янги услуби дастлаб "Jass"Аеб, кейин эса " Jasz" тарзида ёзилади ва 1918-йилдан бошлабгина ўзининг ҳозирги "Jazz" кўринишига эга бўлади.

Юкорида санаб утилган жаз муסיқасининг услубларидан Свинг хусусида тўхталиб ўтиш лозим. Сабаби БМИ мавзуим ва унинг мазмунига мос равишда таҳлил қилишим лозим бўлган асарлар купрок айнан шу услубга тегишли деб хисобланади. XX асрда вужудга келган жаз муסיқа санъатининг бадихавийлик табиати, турли миллат ва элат вакиллари бефарқ қолдирмай жаҳоннинг ёркин муסיқий ҳодисалардан бирига айланди.

Сўнгги ўн йиллидда руй берган сиёсий-ижтимоий ўзгаришлар боис миллий-муסיқий эстрада соҳасида ҳам мазмунан, ҳам моҳиятан туб янгиланишга хал қилувчи асос яратилди. Маълумди, Шўро давридаги мафкуравий муҳит оммавий санъат турларига ўз таъсирини ўтказган эди. Собиқ йўлбошчи партия ва унинг "дохий"ларига бағишланган қасидалар, "халқлар дўстлиги", собид иттифок давлатини мадҳ этувчи қўшиқлар эстрада санъатида тобора ижодий носамимийликнинг юзага чиқишига, қолаверса мавзулар доираси торайиб қолишига олиб келди.

Бу ҳол табиийди, эстрада санъати услублари ҳамда жанрларининг бир хиллигига, асосан "руҳсат берилган" шакллардагина ижод қилишга олиб келди. Ваҳоланки, инсониятнинг олижаноб мақсадларидан бўлган тинчлидни мустаҳкамлашда, кишиларнинг ахлоқий фазилатларини юксалтириш ҳамда эстетик дидларини тарбиялаш ва ўстиришда санъат турлари орасида эстраданинг ўз ўрни бор. Шунинг учун ҳозирда давлатимиз унинг ривожига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Бу ўринда 1996 йилда Ўзбек давлат филармонияси ҳамда "Ўзбекконцерт" негизида "Ўзбекнаво" гастрол-концерт бирлашмасининг ташкил этилиши алоҳида аҳамиятга сазовордир. Ушбу бирлашмага Ўзбекистон халқларининг миллий мумтоз ва замонавий мусида ҳамда рақс санъатининг энг яхши ютуқларини ривожлантириш, асраш ва тарғиб қилишдек вазифалар белгилаб берилди. Ўтган йиллар мобайнида мазкур бирлашма кўмагида бир қатор эстрада хонандалари ва гуруҳларининг фаолияти янада самарали бўлди.

Ўз ҳаёти, ижодини узбек эстрада қўшиқчилиқ санъатининг равнақи-ю, истиқлол келажагига бағишланган, номи мустақил юртимиздагина эмас, балки хорижлик санъат муҳлисларига ҳам яхши таниш Ўзбекистон халқ артисти Насиба Абдуллаеванинг ўзига хос ёқимли, ширали овози, юксак диди, ижро дастурининг

кенг ва ранг-баранглиги минглаб тингловчилар юрагида чуқур из қолдирмоқда ("Самарқанд", "Ёқасиз жоним", "Тушингизга кирган малак", "Келасиз").

Ўзбек эстрада санъатининг истеъдодли намояндаларидан бири, Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Усмонова туғма санъаткорлик қобилияти, кенг нафасли, айна пайтда нафис ва дардли овози ила тингловчилар қалбидан чуқур ўрин олди ("Халқим", "Халқ бўл элим!", "Дунё", "Бегим, бегим", "Болажоним").

Чинакам изланувчи ижодкор, Ўзбекистон халқ артисти /уломжон Ёқубов бадиий тафаккурининг кенглиги ва ўзига хос жўшқин овозининг таъсирчанлиги билан кенг тингловчиларнинг дилларини ром қилди ("Хуш келдинг, муборак сарварим Наврўз", "Дилором").

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Кумуш Раззоқованинг ёқимли ва нафис овози билан таралган севинч ва мухаббат қўшиқлари сахна ҳаракатлари билан бир бутунлик яхлитлик касб этади ("Сиз ёққансиз менга хамиша", "Мен сени ҳеч кимга бермайман")- "Ўзбекнаво" таркибига кирган "Наво", "Тошкент", "Омон", "Шофайз" ва бошқа эстрада гуруҳлари, Мохира Асадова, Анвар Раниев каби ёш санъаткорлар ўз фаолиятини давом эттирмоқда. Ушбу ижодий бирлашма ўзбек миллий эстрада санъатини янада ривожлантириш, ёш хонанда ва созандаларнинг ижодий изланишларини қўллаб-қувватлаш, ёш бастакор ва шоирларни кашф этиш мақсадида "Янги тароналар" миллий эстрада қўшиқ ва куйлар Республика танловларини ўтказди. 1998 йилда Жиззах шаҳрида бўлиб ўтган биринчи танловда "Сарбон" гуруҳи, Шахло Рустамова, "Сидериз" қизлар айтим квартети, "Анор" йигитлар айтим квартети, Нилуфар Саитова, Лариса Москалёва, 2000 йилда Гулистон шаҳрида ўтказилган иккинчи танловда Фарҳод Иброхимов, Ахрор Комилов, Мирзохид Мамадалиев, Даврон Дауров, Дилором /уломова, Шухрат Абдуллаев, "Шод" гуруҳи каби ёш иқтидорли ижрочилар ижодий мусобақа ғолиблари деб танилдилар.

Дархақиқат, миллий эстрада соҳаси энг навқирон санъат турларидан бири бўлсада, республикаимизнинг ҳозирги замон маданияти тизимида ўта муҳим ўрин тутмоқда. Чунки у оммавий санъат тури сифатида, минг-минглаб кишиларга таъсир кўрсатиб, кундалик рухий эҳтиёжларини қондириш қудратига эгадир.

Ўзбек эстрада мусикасининг сўнгги йиллардаги тараққиётини эстрада-симфоник оркестрларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бугунги кунда Ўзбекистон телерадиокомпанияси қошидаги эстрада-симфоник оркестри (бадий раҳбари А.Икромов), "Ўзбекнаво" гастрол-концерт бирлашмасининг концерт-эстрада оркестри (бадий раҳбари Б.Живаев) ҳамда М.Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси эстрада ижрочилиги кафедрасининг Бигбенд (раҳбари М.Муртазоев) жамоалари серкўлам фаолият кўрсатмоқдалар. Хусусан, 1996 йилдан Республика эстрада-симфоник оркестрига раҳбарлик қилиб келаётган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, истеъдодли композитор ва дирижёр Алишер Икромов таркиби жихатидан камер оркестрига келиб қолган мазкур ижодий жамоани тўлақонли эстрада-симфоник оркестри даражасига қадар кўтариб, унинг фаолиятини кенг қамровли "универсал" жамоа сифатида шакллантирмоқда. Ҳозирда эстрада-симфоник оркестри студия ишлари билан бир қаторда юртимизда ўтказилаётган турли байрамларда ижро этилиб келинмоқда.

## 1.2. Дейв Брубекнинг ҳаёти ва ижоди



XX аср 20 йилларга келиб Европада классик ва замонавий музика ижрочилиги ўзининг юксак чўққисига кўтарилди. Жаз ижрочилигида музика таълими бўлмаган қора танли музикачиларнинг даври ўтиб, классик ва замонавий музика билими эгалари – моҳир созанда ва ҳонандаларнинг меҳнати қадрлана бошланди. Ана шулардан бири машҳур жаз композитори Дэйв Брубек эди.

Америкалик машҳур жаз композитори, моҳир пианиночи Дэвид Уоррен Брубек 1920-йил 6-декабрда Конкорд шаҳрида таниқли музикачилар оиласида таваллуд топади. Унинг онаси моҳир пианиночи, тўнғич акаси - Генри эса таниқли музика мураббийи бўлган. Ўртанча акаси - Говард эса классик музика

оламида ўз даврининг етук ижодкорларидан хисобланган. У симфоник мусиқа билан шуғулланиб, оркестр, хор, камер ва якка чолғулар учун бир қанча асарлар яратган. Унинг асарлари ўзининг шакл ва фикр жиҳатдан оригиналлиги билан ажралиб турарди. Шунга қарамай буларнинг ичидан Дейвгина машхурлик даражасига кўтарила олди.



Мусиқа таъсирида улғайган ёш Дейв тўрт ёшидан фортепиано чалишни, тўққиз ёшидан эса виолончел чалишни ўрганган. Ёш бўлишига қарамай Дейвнинг мусиқий дунёқарашининг кенглиги тенгқурларига қараганда яққол сезилиб турарди. Дейв ўзи хақида таъкидлашича, ёшлик даврида таниқли рус композиторлари Прокофьев ва Шостаковичнинг ижоди унда кучли таассурот қолдирган.

У 1940 – йилгача турли эстрада жамоаларида фортепиано ижрочиси сифатида ишлайди. 1938 – 1942 – йилларда Стоктондаги Пасифик-коллежига ижрочи сифатида ўқишга қабул қилинади. Дейв Брубекнинг мусиқага бўлган қизиқиши уни Тинч окевни коллежи томон етаклайди. 1941 – йил у Тинч окевни коллежининг мусиқа факультетига ўқишга қабул қилинади. Композиторлик таълимотини Дариус Мийодан ўрганиб боради ва бир вақтда Калифорния

университетида, Композитор Арнольд Шёнберг маърузаларига қатнашиб боради. Ўша йиллардаги сиёсий ўзгаришлар сабаб Брубек ўқишдаги фаолиятини вақтинчалик тўхтатишга мажбур бўлади. 1944 - йилда Дейв европада харбий оркестрга бошчилик қилиш ҳамда пианиночи ва мусиқий безакчи сифатида ишлашга ҳам улгуради. Уйга қайтгач у Калифорнияда яшовчи таниқли мусиқачилардан сабоқ олишни давом эттиради.



Устозлари хақида гапираркан, У “Мийо жаз тилидан фойдалнаган биринчи академик мусиқачидир”, - “Чунки ўша даврда унинг ижролари хаммани ўзига қаратар, диққатига сазовор бўлар эди. 1946-йили ҳарбий хизматдан қайтганим сўнг, биз Билл Смит билан бирга композиторлик курсларига ёзилдик, - Мийо у пайтда Окленддаги Мидлз коллежида дарс берарди, Говард эса унинг асистенти эди. Маэстронинг синфга кирган чоғида биринчи айтган гапи “Жазни ўрганмоқчи бўлганлар кўлини кўтарсин” эди, кейин эса – “Фуга, контрапункт ва композиторлик санъатини ўрганувчилар, жаздаги ўз ҳамкасбларингизга бир нарсаяратиб беришни ҳохламайсизми?” дерди. Бизнинг гуруҳимиз шу тарзда иш

бошлади. Шёнберг билан шуғулланганимдан ҳеч нарса чиқмади, мен ундан фақат икки дарс олдим ҳолос. Менга у жуда ҳам қаттиққўл бўлиб кўринди. Мийо ҳам тушунтириш ва текшириш вақтида қаттиққўллик қиларди. Контрапунктни у бизга Бахнинг ижодидан ўргатарди, Мендельсон ижодини яхши кўрарди, композиторлик бўйича асар яратиш борасида эса у бизга мутлақо эркинлик берарди. Жазга айнан шу нарса ҳосдир” деб ёзади у ўз эсталикларида.



Айнан ўша даврда Дэйв Брубекнинг кейинги изланишлари йўналиши аниқланди. Унинг мақсади эркин жаз билан шуғулланиш эди. Бу йўлдаги унинг биринчи қадами 1948 – йили ҳамкасб талабалардан тузилган тажрибакор октет **“JAZZ WORKSHOP ENSEMBLE”** ни тузиш бўлди. Бу октетда Дик Коллинз (тромбон), Билл Смит (кларнет, баритон-саксофон), Paul Desmond (альт-саксофон, кларнет, фортепиано), Дэвид Ван-Крифт (тенор-саксофон), Рон Кротти (контрабас) ва Кол Тьядер (урма-зарбли, вибрафон, бонги) лар фаолият олиб боришган.

1949-йилда у жахоннинг энг яхши альт-саксофончиларидан бири, таниқли **“Take Five”** асарининг муаллифи Пол Дезмонд билан биргаликда триода ишлай

бошлади. Уларнинг бирга яратган ва ижро қилган импровизацияларидан кўпчилик томошабинлар ҳайратга тушар, олқишлар ва севиб тинглашарди. Ўша даврда жамоа асосий эътиборини янги ғоялар ишлаб чиқишга қаратганди. Гуруҳнинг бошқалардан ажралиб турувчи тарафлари ҳам айнан шунда эди.

Д. Брубек жазга полифония ва композиторлик техникаларининг янгича фикрлашини олиб кирган. Бу ҳақда А.Е.Петров ўз тадқиқотларида баён этган. Унинг мусиқасидаги классик тамойиллардан бири яна шунда аён бўлардики, Брубек баъзи эпизодларни жазга ҳос бўлган свингсиз бажарарди. Ўз ўрнида бу кўплаб мусиқачиларнинг эътирозига сабаб бўларди, кўпчилик уни етарли даражада жаз пианиночиси деб ҳисобламас эди. Мисол тариқасида, куйидаги икки қарама-қарши фикр: “Дейв Брубек свинг қилишни умуман билмайди” (Майлс Дэвис); “Дейв Брубекнинг ижоди менга ёқади. У бу даражага ўзининг кўп уринишлари, машаққатли меҳнати сабабли эришди” (Чарли Паркер).

1950 - йиллар ўртасига келиб Дейв Брубек иштирокидаги ансамбл Америка жаз импровизациясида этакчи ўринни эгаллади. Брубекнинг “кул” деб ном олган услуби тобора кенг тарқалиб борди. Асосан Брубек ўз ансамблига ҳам айнан шу услубда турли асарлар яратган. Вақт ўтгани сайин ижодкорнинг фикрдошлари, издошлари ва тақлидчилари пайдо бўла бошлади. 1950-йиларнинг иккинчи ярмига келиб Америка ва бутун дунё бўйлаб уюштирилган гастроллар орқали унинг машхурлиги янада ортиб борди. Шу вақт мобайнида Дейв Брубекнинг ўзи яратган асарлари премьералари турли концерт дастурларида намоёниш қилина бошлади.

Дейв Брубек биринчи бўлиб жаз қатламлари ва симфоник мусиқанинг шаклланишида иштирок этган. Бунга у ўз акаси жаз ва симфоник оркестри учун яратган “Сухбатлар” асарини 1959 - йилда ижро этиб эришган. 1961 - йили у “Жаз пуантлари” балетини яратган. Ушбу асарда Дейв классик ва жаз жанрларини мохирона бирлаштира олган.



Таниқли жазни ўрганувчи олим А.Баташев ҳам ўз тадқиқотлари натижасида Дейв Брубек ҳақида шундай деб ёзган: “Ҳозирги кунда шу нарса аниқки, Брубек биринчи бўлиб жазга ўзининг янги ғояларини кирита бошлаган ва айнан ундан миллатлараро санъат сифатида бўлган жаз тарихи бошланади. У биринчи бўлиб эски ритм стереотипларини бўзди ва беш, етти ва тўққиз ҳиссали метрларни киритди, полиритмия ва полиметрия, полифония ва политонлик устида кўп ишлади. Ундан ташқари, биринчилардан бўлиб жазга модал ва лад принципларини киритди ва, шу билан бирга, олдинги жаз ва Европа, Осиёдаги бошқа муסיкий маъданиятлар, хусусан, славян халқларининг муסיқаси орасида кўприк ўрнатди”.

Дейв Брубек нафақат Америка маданияти, балки Европа, Осиё ва Африка маданиятларига ҳам катта қизиқиш билан қараган. У ўз эсталикларига “Мен мусиқани асосан визуал хис-туйғуларга таяниб яратаман. “Япониядан жаз таасуротлари” альбоми ушбу давлатга ўтган бир ҳафта мобайнида ёзилди. Мен катта шаҳарнинг нафаси ва изтиробларини ҳис қилардим, Фудзияма, японларни худди бир рассом каби кузатардим...иккинчи ўринда менда эшитиш қобилияти туради. Бир пайитлар Истамбул кўчаларининг бирида бир ритмни эшитиб қолиб, кейинчалик унга қиёслаб ўз асаримни композициямни яратдим...” – дейди.

1967 йилга қадар Дейв Брубек қатнашган ансамбл жаҳоннинг энг таниқли жаз гуруҳларидан бири бўлиб келди. Брубекнинг ўзи ва Пол Дезмонддан ташқари уларнинг сафида урма зарбли чолғу асбобларининг мохир созандаси Джо Морелло ва контрабасчи Джин Райт ҳам бор эди. Биргаликда улар бутун АҚШ ва Европани айданиб чиқиб, “Ноквадрат рақс”, “Туркча усулдаги ҳаворанг рондо” каби Брубекнинг асарларини ижро этдилар.

Шу тариқа Дейв жаз импровизация санъатини яна ҳаётга қайтарди ва бу унга классик мусиқани жонлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Брубек классик ва замонавий мусиқа элементларининг жаз билан уйғунлаштириш ҳақида жуда кўп ўйларди; ушбу тенденция кўпроқ “кул” ва “учинчи оқим” (“фьюжн”) номли жаз услубларида ёрқинроқ кўринишда бўлган. Унинг фикрича, Ғарбий Европа ва Америка хабашлариининг мусиқасини ўзаро бирлаштирган илк мусиқачилар – бу Янги Орлеан жаз ижрочилари эди. Брубек биринчилардан бўлиб жазда тоқ ўлчовларни ўз асарларида ва импровизацияларида қўллай бошлади ва шу билан бирга жаздаги полиритмия тажрибаларига йўл очди. Брубекнинг бу тажрибаларидан сўнг жаз ижрочилари тоқ ўлчовларни ўз импровизацияларида қўллай бошладилар. Тўрт ҳиссали ўлчов жазда катта аҳамиятга эга бўлсада, у ўз ўрнини бошқа ўлчовларга бўшата бошлади”.

1972 – йил Дейв Брубек «The Dave Brubeck Quartet» деб ном олган янги ансамбльни ташкил қилди.





Унинг таркибида Брубекнинг уч ўғли – Дариус (кларнет, фортепиано), Крис (Тромбон, Бас гитара) ва Денни (Урма-зарбли чолгулар) бор эди. Тез орада Америка нашрларидан бири “Time” журнали бу жамоани ҳам “мамлакатдаги энг машхур ансамбль” деб атади. Дейв Брубекнинг ўзи эса мусиқа яратишга янада кўпроқ вақт ажрата бошлади. У “Саҳродаги нур”, “Жаҳонга тинчлик” каби ораториялар, бир неча спектакльлар ва кинофильмларга мусиқалар, якка фортепиано учун пьесалар, камер ансамбллари учун кўплаб асарлар яратди. Кейинчалик аён бўлдики, унинг мусиқадан йироқлашиши фақат вақтинча экан ва у 1982-йилда ўзининг янги кватрети билан яна эстрада оламига кириб келди.

Дейв Брубек 2012 – йилнинг 5 – декабрида 92 шиди юрак хасталиги туфайли вафот этди. Кексайган вақтида ижодкор “Энг яхши кайфият – бу замонавий мусиқа” деб номлаган принципларига содиқ қолди.

### 1.3. Дейв Брубек ижодида жаз жанрининг аҳамияти

Композитор Дейв Уоррен Брубек ижодига назар ташлайдиган бўлсак, унинг ижодида кўплаб жанрларга мурожаатни кузатишимиз мумкин. Композитор нафақат жаз услубида, балки, классик услубда ҳам сермахсул ижод қилган. Унинг яратган ораториялари, балети ва турли чолғу асарлари классик услубининг тамойилларига мос келади. Композитор ижодида яна шу нарса аниқ равшанки, у классик мусиқани жаз услуби билан синтезлаштира олиш, иккита турли жанр мусиқасини бир бутунликка жамлай олиш масаласини мақсад қилиб қўйган. Бу ҳаракат композиторнинг “Саҳродаги нур”, “Жаҳонга тинчлик” каби ораторияларида яққол намоён бўлади. Юқоридаги асарларда композитор жаз услубида ёзилган мусиқани классик услубдаги мусиқий шаклга бирлаштирган.

Композитор кўплаб чолғу мусиқалари яратган ва уларнинг аксарият қисми жаз услубида ёзилган. Шундай экан биз битирув малакавий ишимизда ушбу жанрни келиб чиқиш тарихи, ривожланиш тамойиллари ва жанр услублари ҳақида ҳам ёритиб ўтишни лозим дуб топдик.

Жаҳон мусиқа санъатида муҳим аҳамият касб этган жаз жанри барча ёшдаги тингловчиларни эшитишга, ҳатто рақс тушишга мажбур этди. жаз санъати, эстрада ижрочилик санъати аслида маҳаллий анъаналарнинг шаклланиши ва кейин эса АҚШ мусиқаси ривожига хабашларнинг мусиқа санъати деб юритила бошлади. XVII асрдан бошлаб Африкадан мажбур кўчирилган эрксиз қуллар ўзлари билан қадимий анъаналарга бой бўлган маданиятни “Янги оламга” олиб келдилар ва бу маданият Европалик кўчманчилар маданияти таъсирига тушди. Асосан, Американинг жанубий ҳудудларида қишлоқ хўжалиги ишларини амалга оширган қуллар бадихагўй шаклдаги “Холлерс вашаутс” каби айтимларни ижро этганлар. Кечалари эса ибодатга тўпланган хабашлар қадимий маросим айтимларини, саноларни (псалма), шунингдек,

спиритчуелларни куйлаганлар. Булардан спиритчуелла илк Афро-америка музикий ифодавий шаклларида бирига айланди.

Айтиш мумкинки, XIX аср охири XX аср бошларида Европа ва Африка музикий маданиятларининг қоришуви натижасида АҚШнинг жанубий штатларида профессионал музика саъатининг янги тури ЖАЗ юзага келди.

Жаз-инглизча кўнгил-очар музика тури, франсузчада – “Валдираш” маъносини билдиради. Бошқа таърифда эса 1915-йил Нью-Йорк илк жаз ансамблини тузган Жазбо Браун исмидан олинган деб таъкидланади. Унинг яратувчилари ва ташувчилари америкалик хабаш қулларнинг авлодлари бўлди.

Бу музика турида қуйидаги бадиий анъаналарнинг ўрни салмоқлидир.

- усул (ритм) нинг муҳим ўрин тутиши;
- метрика ёки “Бит”нинг изчиллиги;
- тўлқинсимон ҳаракатни юзага келтирувчи оҳанг қурилмаларидаги урғулар (масалан, “свинг”);
- Остината тарзида қайтарилиб турувчи кичик ҳажмдаги оҳанг (“рифлар”);
- Товушқаторнинг 3, 5, ва 7-чи босқичларидан ўзига хос қуйи ҳаракатдаги глиссандо (“блюноталар”);
- Кенг овоз туси ва товушларга тақлид қилувчи унсурларнинг қўлланиши;
- Асарнинг аниқ тузилиши доирасида ритмик оҳанг қурилмаларини ўзгартириб туриш (бадиха қилиш) ва бошқалар.

Жазнинг кейинчалик ривожланиши жаз музикачилари ва композиторлари томонидан ўзлаштириб олинган янги ритмик ва гармоник модельлари билан боғлиқ бўлган. Жазнинг илк намоёндалари бу блюз, спиритчуэлс ва рэгтайм услублари ҳисобланади. Жаз XIX аср охирида Африкача ритмлар ва Европача гармония асосида пайдо бўлган.

Айтиш керакки, Европа жаз ижрочилигига нисбатан Африка ижрочилиги кўпроқ сўз (талаффуз оҳанглари) билан боғлиқдир. Чунки ҳабашларнинг мусиқий ва сўз талаффуз оҳанглари орасида деярли аниқ чегарани хис этиш қийин. Шу боис ҳам уларнинг ижросидаги мусиқий пардалар сифати турлича бўлиб, айримларини замонавий нота ёзуви орқали муҳрлаш мушкулдир.

XIX аср охири XX аср бошларида жаз мусиқасида намоён бўлган блюз, спиричуелс ва госпел каби жанрларига ҳабаш ҳалқининг анъанавий айтим ижро йўллари катта таъсир кўрсатган.

Жаз мусиқасининг шаклланиши ва ривожига бу турдаги мусиқанинг айтим ва ижро жанрлари катта таъсир кўрсатган. Бу ҳолат жаз мусиқаси шаклланишининг илк даврида фаолият юритган жаз созандалари ижросидаги асарларда ҳабашларнинг мусиқа йўллари, ижрочилари эса ўз бадиҳаларида чолғу ижро услубларига тақлид этганликлари кузатилади. Бу каби айтим тақлид услуби соҳа атамасида скет деб ном олган. Одатда, бу услуб жаз асарининг ўрта қисмида ижро этилиб, созанда ижросига хонанда тақлид қилади. Ҳозирги кунда ойнаи жаҳон орқали намоёниш этилаётган жаз концерт дастурларида бу анъана сақланиб қолинган.

Унда хонанда маълум маънога эга бўлмаган жумла, сўз ёки бир бўғин асосида ўз мусиқий бадиҳасини қуради. Чолғу ижрочиси эса бир квадрат ёки мавзун бадиҳа этиб, маълум мусиқий куй давомийлигида оғишма, ритмик ўйинлардан, модуляция каби мусиқий унсурлардан фойдаланади. Мазкур услубни жаз вокал ижрочилигида илк бор Луи Армстронг 1926-йилда труба чолғусида қўллаган. Шундай қилиб, АҚШ мусиқа маданиятининг ўзига хос оммабоп чолғу ва айтим жанрлари шаклланди. Ушбу жаз жанри кучли оммавий ахборот коммуникация тармоқлари фаолияти билан ўзга маконларга, дунё бўйлаб ёйилди.

1918-йилга келиб жаз жанри замонавий тус олади. Жазнинг кўпгина йўналишлари ўзига ҳос ижро техникасига эгадир, масалан, “чайқалиш” ёки свинг. 1917-йилнинг 26-февралида беш оқ танли мусиқачилар “Victor” фирмасининг Нью-Йоркдаги студиясида биринчи жаз грампластинкасини ёзиб олишади. Бунгача жазни фольклор сифатида қабул қилишарди, кейин эса бир неча ҳафта ичида у бутун Американи лол қолдирди. Ёзиб олинган тасма афсонавий “Original Dixieland Jazz Band”га тегишли эди.

Қуйида жаз жанрининг бир нечта йўналишлари:

Жаз жанрининг бошланғич шакллари:

1. Рэгтайм
2. Джига
3. Буги-вуги
4. Госпел
5. Блюз
6. Спиричуэл

Анъанавий жаз:

1. Янги Орлеанча жаз
2. Чикагоча (страйд)
3. Би-боп
4. Салқин (кул)
5. Прогрессив (симфожаз)
6. Свинг

Аралаш шакллар:

1. Грув (соул+блюз)
2. Хард-боб (лад, модал) (классика+би-боп)
3. Соул (блюз+госпел)
4. Уэст-коэст (би-боп+кул)

Лотинча:

1. Бразилияча
2. Афрокубинча

Бошқа оқимлар:

1. Канзас-сити, шаҳар блюзи
2. Фри-жаз
3. Фанк
4. Эйсид-жаз
5. Фьюжн
6. Worldjazz
7. Жаз-рок
8. Этно-жаз

Композитор Дейв Брубек ҳам жаз жанрининг бошланғич шакллари Буги-буги, Блюз, Регтаймдан, янги Орлеанча жаз, Свинг, Соул, Фанк услубларидан сермахсул фойдаланган.



Эстрада жаз чолғу ижрочилигида фортепиано чолғуси алохида ахамият касб этади. Шу ўринда айтиш мумкинки, жаз санъатининг тарихи, ривожланиш омилларида ушбу чолғу асбобининг ўрни бекиёс саналади. Айнан Свинг даврида

жаз пианиночиларининг санъати, ривожланиш палласида турган биг-бэндларнинг кучли таъсири остида бўлганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Бу даврда бадиха қилиш, фортепиано, оркестр функцияларини бойитиш имкониятлари янги йўналиш пайдо бўлишига сабаб бўлиб, унинг асосчиларидан бири маҳоратли пианиночи Эрл Хайнс бўлган. Унинг 1928 - йилда Луи Армстронг билан бирга ёзган ишлари унга катта машхурлик олиб келди. Кейинчалик у биг-бэндга бошчилик қилиб, мустақил равишда сахнани забд эта бошлади. Уруш давридан кейин 1970 - йилларгача бўлган вақтда ўзининг услуги бўйича фаолият олиб борган Эрл Хайнс кўпгина шогирдлар етиштира бошлади.

Унинг издоши ва шогирди Тедди Уилсон бўлиб, у Бенни Гудменнинг кўплаб кичик гуруҳларининг иштирокчиси эди. Уилсоннинг ижроси кўп жиҳатлари, айниқса, фактуранинг енгиллиги билан ажралиб турарди. Унинг фаолияти кейинги даврлар пианиночиларининг услубларига катта таъсир ўтказган.

Эстрада - жаз тарихида асосий ўринни Гарлем мактабининг сўнги авлодлари эгаллайди. Уларнинг сонига ажойиб пианиночи, кейинчалик эса – вокал ижрочиси **Нэт "Кинг" Коул (Nat "King" Cole)** киради. Урушдан кейинги бўлган вақтда унинг триоси бу турдаги кўплаб ансамблларга намуна бўлган. Унинг эркин, блоккорд фактурасидан фойдаланилган мусиқий услуги эса **Арт Тейтум (Art Tatum)** ва **Эррол Гарнер (Erroll Garner)**дан **Оскар Питерсон (Oscar Peterson)**гача бўлган кўплаб пианиночиларга таъсир кўрсатган.

1850-йилларда **Арт Тейтум** томонидан ёзиб олинган кўплаб куйлар XX аср биринчи ярмидаги жаз фортепиано мусиқасининг ривожланишига ўзига ҳос хулоса бўлади. Аммо баъзи мутахассислар фикрига кўра **Арт Тейтум** томонидан қилинган янгиликларнинг кўпи, хусусан, унинг импровизацияларидаги гармонияга тегишли янгиликлар **бибоп** йўналиши билан бирга кириб келган экан.

Шу даврда “буги-вуги” деб ном олган фортепианода блюз ижросининг шакли ўзига ҳос равишда ривожланиб боради. Ушбу услуб жанубий штатлардаги банджо ва гитара ижрочиларидан олинган. Буги-вуги пианиночиларига чап қўлдаги доимий остинато шакллари ва баснинг қадамсимон ҳаракати ҳосдир. Ўнг қўл эса мураккаб полиритмик усулда блюз гармония орқали бадиха қилади. Ушбу услуб ўтган асрнинг иккинчи ўн йиллигида, яни **пианиночи Джимми Янси (Jimmy Yancey) бугини** ижро этиб юрган пайтларда пайдо бўлган. У Канзас-Сити ва Сент-Луисда вужудга келиб, Чикагода кенг тарқалди. Бироқ ҳақиқий таниқликни унга уч маҳоратли ижрочилар - **"МидЛакс" Льюис ("MeadeLux" Lewis), Пит Джонсон (Pete Johnson) ва Альберт Аммонс (Albert Ammons)**лар олиб келди. Бу ҳодиса 1930 - йилларнинг ўрталарида рўй берди. Буги-вугининг кейинчалик ишлатилиши **свинг, ритм-энд-блюз** оркестрларида кечди ва бу аҳамиятли тарзда **рок-н-ролл** йўналишининг пайдо бўлишига ўз таъсирини кўрсатди.

Юқорида санаб ўтганларимиз, Буги-вуги, Свинг, ритм-энд-блюз, жанрлари ҳам жазнинг ривожланиш тамойилларида ўзига ҳос кўприк вазифасини ўтаган.

Жаҳон мусиқа оламида кенг ёйилган атамалардан рок, бит, поп ва шлягер каби “енгил” мусиқалардан фарқли ўлароқ ўзбек мусиқий маданиятимизда асосан “эстрада” атамаси “енгил” мусиқа маъносида қўлланиб келинмоқда. Бугунги кунга қадар мавжуд жаз жанри таснифоти, унинг турдош жанрлар бўйича аниқ хусусиятлари деярли аниқланмаган. Бу каби масалалар жанр ўрганишда бирламчи ва асосийлар қаторида туради.

Юқорида эстрада-жаз тамойилларига асосланган жанр масаласи билан шуғулланган муаллифлар ва уларнинг тадқиқотларда акс эттирилган барча кузатувлар биз учун шундай хулоса чиқаришга асос беради: Жаз тамойилларига таянган жанр XX асрда бошқа жанрлар каби ўхшаш жараёнларни бошидан

кечирди. Классицистик қонун-қоидалар ўз кучини йўқотган бир вақтда, услубан хилма-хиллик, ранг-баранглик, маълум аниқ турғунлик бўлмаган бир даврда XX аср музика санъати жанр тузилиши ва шакл кўриниш йўллари топиб келди. Айниқса Америка жаз музикаси номи билан машҳур бўлган йўналиш турли мамлакатларда ўзга номлар билан илдиз отди. Унинг асосида табиатан енгил турфа музикаий йўналишлар пайдо бўлди. Бу турдаги музика йўналишлари эса жаҳон музика оламида хилма-хил атамалар билан юритила бошланди.

Уларга XX аср бошларида пайдо бўлган рок, бит, поп музика, “Енгил” музика ва бошқалар мисол бўла олиши мумкин. 1917-йилда Россияда тўнтарилиш натижасидаги сиёсий ўзгариш, жаҳоннинг икки лагерга – капитализм ва социализмга бўлиниши барча соҳани ўзига мослаб қайта кўриб чиқишни талаб қилди. Юқорида қайд қилинган музикаий йўналишларни социализм “Эстрада” деб номлади. 1924-йили ташкил топган бизнинг Республикамизда ҳам бу йўналишдаги музика санъатини белгиловчи “Эстрада” атамаси қўлланила бошланди.



## **II БОБ. ИЖРО ДАСТУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ТАНЛАНГАН АСАРЛАРНИНГ ТАВСИФИ**

### **2.1. Дейв Брубекнинг “Bossa Nova U.S.A.” асари таҳлили ва нота мисоллари**

Ушбу асар эстрада-жаз жанрида яратилган ёрқин намуналардан бўлиб, ундаги куйнинг ёрқинлиги тингловчига ўзгача кайфият бағишлайди. Гармония ва усулнинг чап кўлда бир маромда аниқ квадратни ушлаб туриши, яъни остинатоликни сақлаб қолиши асосида ўнг кўлда жилвакор ва синкопаларга бой, бир сўз билан айтганда жаз музикасининг аҳамиятли хусусиятларига эга мелодик айланмалар янграйди.

Жаз музикасига хос бўлган квадратлик, рондо шаклининг тамойиллари ҳамда классик музика жиҳатдан биринчи қардош тонликларга оғишмалар бу асарнинг негизини ташкил қилади.

Ушбу асарда оғишма ва модуляцияларнинг кўплиги асосий тонликни сақлаб қолишга ҳалал бермайди. Бу модуляцион айланмалар, оғишмалар классик музика мавжуд бўлган биринчи қардош тонликларга ўтиш тамойилларига асосланган. Аккордарлар ярим тон бўйлаб юқорига ҳаракатланганда хроматизм ҳосил қилади ва товушларнинг альтерацион оғишмаларга сабаб бўлади. Бу эса ўз ўрнида куйга ўзига хос жилвакорлик бағишлайди.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, асар рондо шаклининг тамойиллари асосида яратилган. Ундаги бошланғич 8 такт ушбу таркорланиш қисмини ташкил этади. У асар давомида бир неча бор такрорланиб ўтади.

Эстрада-жаз санъатининг аҳамияти ва маносидан келиб чиқадиган бўлсак, ушбу асар синкопаларга асосланган. Метро-ритмик муносабатлар гўёки музикада оқсоқланиш ҳаракатини вужудга келтиради.

## **2.2. В.Сапаровнинг 13-прелюдияси таҳлили ва нота мисоллари**

Ушбу асар олдингисидан фарқли ўлароқ такрорланиш қисмларига, яъни мавзуга асосланган рефрен қисмларига эгадир ва у свинг йўналишида яратилдган. Ундаги чайқалиш усули бирма-бир барча ҳаракатни камраб олади.

Пунктир ритми ва триоллар асрнинг свинг йўналишидаги тамойилларини билдириб туради.

Асарнинг 11-тактидан бошлаб ўрта қисми, яъни бадиҳавийшлик касб этувчи ривожланиш қисми янграйди.

Ушбу асарда ҳам гармоник ҳамда хроматик айланмаларга асосланган мелодик секвенцияларнинг ўрни жуда каттадир. Бу ерда улар ўзгача йирик аҳамият касб этади, чунки асарнинг ривожланиш тамойили айнан шу секвенцияларга қурилган.

Куйнинг характери шўх ва ҳаракатчандир. 4/4 ўлчовида ўтувчи чап қўлдаги римтик сурат (ҳар бир чорак хиссаларни кўрсатиш) ундаги қаттиқликни сақлаб қолишга ёрдам беради.

Ушбу асарни тинглаганда биринчи бўлиб Янги Орлеан эстрада-жаз ижод намуналарини ёдга олишимиз мумкин. Зеро ритм, синкопалар, мелодик айланмалар ва акоордларнинг ўзигахослиги бундан далолатдир.

## ХУЛОСА

Хулоса қилиб таъкидлаш мумкинки, XX аср ўрталарида жаҳон мусиқаси ижодиётида эстрада-жаз жанри ривожини ўзининг юқори поғоаларига кўтарилди. Шу кунга қадар эстрада ижрочилик учун ёзилган, бадиҳагўйлик анъаналарига таянган асарлар ва йирик шаклларга эга бўлган жанрлар орасида жаз, мюзикл каби йирик асарларни шарқ ва ғарб композиторлари ижодида кўплаб учратишимиз мумкин.

Ушбу Битирув малакавий ишимиз композитор Дейв Уоррен Брубек ҳаёти ва ижодий йўли ва унинг сахнавий асарлари, эстрада-жаз ижрочилиги учун ёзилган асарларининг талқин масаласига бағишланган бўлсада, Европа ва жаҳон мусиқа ижодиётида кузатиладиган эстрада камер чолғу ансамбллар учун яратилган асарларнинг шакл масаласига ҳам тўхталиб ўтилди. Илмий-ижодий нуқтаи назардан ҳар бир жанр тарихи, келиб чиқиш йўллари, умумий шаклини изоҳлаб, унинг кесими доирасидаги жараёнларни, ижодкорлар ва изланувчи олимлар, жанрга доир илмий тамойиллар, турдош жанрлар, ушбу жанрда ижод этган ижрочилар ноталари ва ёзув тасмалари ўрганиб таҳлил қилинди.

Шу кунга қадар композиторнинг эстрада ижрочилиги учун ёзилган ва бадиҳагўйлик анъаналарига амал қилинган асарларини талаба ижрочилар сахналарда ижро этиб келиб ёш талаба ўқувчиларга ўргатиб келишмоқда.

Ўқувчиларни эстетик тарбиялашда эстрада чолғу мусиқаси намуналари, мусиқа дарсларининг мазмуни ва унда берилган билимлар ўзига хос муҳим манбаа бўлиши мумкин. Мусиқа дарслари самарадорлигини таъминлаш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

1. Ўқувчилар шахсиятида яширин бўлган мусиқий қобилиятларни кашф этиш ва ривожлантириш;

2. Ўқувчиларда муסיкий кўникмаларни шакллантириш, қайсики бу кўникмалар уларда фақатгина муסיқага оид билимларни муваффақиятли ўзлаштириш имкониятини яратибгина қолмай, балки уларни ижтимоий турмуш вазифаларини еча олишга тайёрлаб бориши керак;

3. Ўқувчиларда муסיқага қизиқиш уйғотиш, ижро этиш, соз чалишга нисбатан уларни қизиқтириш;

4. Муסיқа ўқитувчиси бутун педагогик–психологик воситаларни қўллаган ҳолда ўқувчиларни эстетик тарбиялаши лозим. Фақатгина шундай яхлит фаолият натижасида ўқувчилар муסיқа таълими якунида муסיкий идрок, муסיкий онг, ижро этиш кўникмаси ва соз чалиш каби кўникмаларига эга бўлиши, шунингдек, муסיқага оид тушунчаларни аниқ англаб етишлари керак.

5. Тингловчиларда айнан жонли ижрога қизиқиш уйғотиш катта аҳамият касб этади. Зеро, жонли ижрони кузатган ҳар қандай ўқувчи ўзи учун зарур бўлган ижрочилик кўникмаларини олиши мумкин.

6. Юртимизда эстрада-жаз муסיқа (эстрада чолғу ижрочилиги) жанрига бўлган эътиборнинг ошиб кетганини ҳисобга олган ҳолда, тингловчилар, хусусан, ўқувчиларнинг эстрада чолғу муסיқаси соҳасига бўлган қизиқишини уйғотиш катта аҳамиятга эга.

Эстрада чолғу муסיқаси орқали ўқувчилар муסיқа тарихи, муסיкий билимлар, муסיкий чолғулар, жаз муסיқаси билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

Муסיқа дарсларида ўқитишнинг самарали шакл, восита ва усуллардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш ўқувчиларда муסיқага бўлган қизиқишни

шакллантиришга имкон берувчи омиллардандир. Муסיқа дарсларида чолғу муסיқасини ўргатишни тизимли равишда йўлга қўйиш, ўқувчиларда уларни ижро этиш кўникмасини ҳосил қилиш, шу билан бир қаторда муסיқа дарсларида ўқувчиларга эстетик тарбия беришни амалга ошириш ўта муҳимдир. Бу каби тадбирларни амалга ошириш ўқувчиларнинг миллий муסיқага қизиқишини оширади ҳамда ўрганилган қўшиқ ёхуд куйнинг пухта ўзлаштирилишига ёрдам беради.

Бизнингча, муסיқа дарсларида ўқувчиларни эстетик тарбиялаш, уларнинг баркамол шахс сифатида етиштиришда чолғу муסיқасининг алоҳида ўрни бор. Муаллифлар дарсликни такомиллаштириш жараёнида юқорида айтиб ўтилган мулоҳазаларга эътибор қилишлари мақсадга мувофиқдир.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: «Ўзбекистон», 1998. – 48 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Тошкент, 1997 й., 29 август № 463-1.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. Тошкент, 1997 й., 29 август № 463-1.
4. И. Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. –Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
5. И. Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Асарлар: 3 – жилд.- Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 367 б.
6. И. Каримов. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Тошкент: "Ўзбекистон", 1997. – 62 бет.
7. И. Каримов. Юсак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: «Маънавият», 2008.
8. М. Умаров “Эстрада ва оммавий томошалар тарихи” Тошкент 2009
9. А.Жабборов “Ўзбекистон бастакорлари ва мусиқашунослари” – Тошкент
10. Л. Абидова “История жаза и современных эстрадных музыкальных стилей” Тошкент 2007
11. Википедия – Дейв Брубек
12. Википедия – Мишель Петруччиани
13. Энциклопедия жазовых музыкантов, jazz.com. 21 декабря 2010.
14. Государственный жаз: Встреча 40 Подробнее Джерси великих, *Star-Ledger* 28 сентября 2004 года.